

(1787-Кўкон-1822)

(1810-1822)

Кўкон хони, зуллисонайн шоир. Норбўтабийнинг ўгли. Ўзбекларнинг минг уругидан. Бошлангич саводини оилада чиқариб, кейин мадрасада тахсил олган. Ёшлигидан сарой хизматига жалб килинган: акаси – Кўкон хони Олимхоннинг давлатни бошқариш ишларида фаол иштирок этган. Олимхон 1807-1808-йилларда унга Фаргона ҳокимлигини топширган. Шу йилларда у Андижон ҳокими Раҳмонқулибийнинг кизи Мохларойим (Нодирага)га уйланган.

Ҳоким табакалар Олимхоннинг Тошкентда кўтарилган галаёни бостириш учун кўшин тортганлигидан фойдаланиб, фитна уюштирадилар ва 1810-йилда Умархонни хон қилиб кўтарадилар, Олимхон эса ўлдирилади. Умархон Кўкон хонлиги ҳудудини кенгайтириш, ҳокимиятни мустаҳкамлаш сиёсатини олиб боради. Бухоро амирига қарши Туркистон шахри (1815), Ўратепани (1817) босиб олган. Сирдаё бўйидаги ерларда янги кўргон, Жулук Камишкўргон, Оқ мачит, Кўшкўргон номли ҳарбий истехкомлар қурдирган. Улар Ўрта Осиёни Россия билан боғлайдиган муҳим савдо йўлида жойлашган эди. У Россия билан дипломатик муносабатлар ўрнатишга ҳаракат қилган. Умархон даврида Кўкон, Тошкент, Туркистон, Чимкент, Сайрам, Авлиёотада масжид ва мадрасалар қурилиб, қабристонлар тартибга келтирилган. Шаҳрихон шаҳарчаси барпо этилган, янги қишлоқлар вужудга келган. Хон амлдорларининг талончилик сиёсатига қарши Чимкент ва Сайрамда кўтарилган қўғалон бостирилган. XIX асрнинг 1-ярмида Кўконда ўзига ҳос илмий-маданият муҳит вужудга келган – унинг бошида турган маърифатпарвар ҳукмдор Умархон илм, маданият, санъат, адабиёт, турли касб-ҳунарларнинг ривожига катта эътибор берилган, мадрасаларда ўқиш-ўқитиш ишларини яхшилаган, турли ҳунар мактаблари очилишини қўллаб-қувватлаган. Ози ҳам «амирий» таҳаллуси билан шеърлар ёзган. Унинг атрофида 70 дан ортиқ шоир йиғилган. 1821-йилда Фазлий Намангоний Умархон амрига биноан, 63 шоирнинг шеърини ўз ичига олган «Мажмуаи шоирон» тўпламини тузган. Уни улуглаб қасидалар ёзиш, қзалларга татаббулар боғлаш бу шоирлар ижодида етакчи ўрин тутган.

Умархон Лутфий, Жомий, Навоий, Фузулий, Бедли ўзига усто санаб, улардан ижод сирларини ўрганган, уларга эргашиб ижод қилган, қзалларига муҳаммаслар боғлаган. Арузнинг Туркий адабиётда машҳур, халқ ижодида ҳам кенг тарқалган енгил ва ўйноқи вазинларидагина ёзилган бу шеърларнинг барчаси ишқу муҳаббат мавзuida. Уларда анъанавий мотивлар тасуваввий рух устун. Ўзбек ва форс-тожик тилидаги шеърларини тўплаб, девон тартиб берилган. Девон газал, муҳаммас, мусадда, туюқ жанрларидаги ўн минг мисрадан ортиқ шеърни ўз ичига олган.

Ўзбекистон ФА Алишер Навоий номидаги Адабиёт музейининг матншунослик ва ёзма ёдгорликларни нашр этиш бўлимининг илмий ходимлари томонидан Умархоннинг турли дврларда кўчирилган 26 та қўлёзма девони ҳисобга олиниб, уларнинг илмий тафсифи берилган. Бу қўлёзмалар Снкт-Петербург, Тошкент, Самарканд ва Бухоро кутубхоналарида сақланади. Ўзбекистон ФА Шарҳшунослик институти қўлёзмалар ондида Умархоннинг 17 та қўлёзма девони мавжуд. Бундан ташқари, литографик усулда

чоп этилган девонлари ва шоир шеърларида намуналар берлиган баёзлар бор.